

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ислоҳ қилиш доирасида ҳудудларни санитар тозалаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва ҳудудлардан олиб чиқилишнинг самарали механизмларини жорий этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

Аҳолига санитар тозалаш хизматларини кўрсатиш кўлами ортмоқда, шу жумладан, ҳудудларда 174 та туман (шаҳар) филиалларидан иборат 13 та "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхоналари ташкил этилди, ушбу соҳага электрон танловлар асосида ҳудудларни бириктиришнинг шаффоф механизмлари орқали тадбиркорлик субъектлари фаол жалб қилинмоқда.

Чиқиндилар билан боғлиқ инфратузилма такомиллаштирилмоқда, тасдиқланган дастурлар доирасида янги чиқинди тўплаш шохобчалари қурилмоқда ва контейнерлар билан жиҳозланмоқда, чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг транспорт саройлари янгиланмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш ишларида айрим муаммоларнинг мавжудлиги чиқиндилар билан боғлиқ самарали тизимни шакллантиришга ҳамда соҳани янада ривожлантиришга тўққинлик қилмоқда, жумладан:

Биринчидан, тўлов интизоми даражасининг пастлиги қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – хизмат кўрсатувчи ташкилотлар) молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб, асосий фондларни янгилаш ва хизматлар сифатини оширишга инвестиция киритиш имкониятларини чекламоқда, шунингдек, ушбу соҳага тадбиркорлик субъектларини жалб қилишга тўсиқ бўлмоқда;

Иккинчидан, истеъмолчиларнинг ва улар томонидан тўланган тўловларнинг ягона ҳисоби амалда юритилмаётгани, бу эса ушбу соҳада нақд пул маблағлари банкдан ташқари айланишига ва уларни ўзлаштириш ҳолатларига замин яратмоқда;

Учинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудларни санитар тозалаш ва улардаги экологик ҳолатни яхшилаш бўйича ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун етарли молиявий ва ташкилий имкониятларга эга эмас;

Тўртинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик битимлари доирасида ҳамкорликнинг аниқ маъмурий ва бозор механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ тизимни янада ривожлантириш, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш соҳасида тўлов интизоминини мустаҳкамлаш, аҳолининг сифатли санитар тозалаш хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида:

Давоми 2-бетда ➡

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИ

охангаронлик тадбиркорларнинг экспорт имкониятларини юксалтирмоқда

Юртимизда тадбиркорларга берилаётган имконият ва имтиёзлар замирида, энг аввало, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш, бекаму кўст яшашлари учун шароит яратишдек хайрли мақсадлар мужассам. Негаки, халқ бой бўлса, давлат ҳам қудратли бўлади. Бу тамойил аллақачон давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгурди. Буни теран англаган вилоятимиз ишбилармонлари "отни қамчилаб", мамлакатимиз иқтисодига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Айниқса, бу борада уларга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июлдаги "2018-2019 йилларда Тошкент вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Made in Uzbekistan



Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

Шунга мувофиқ, хусусан, Охангарон шаҳрида жами 12 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг учун 428 млрд. 160 млн. сўмлик сармоя йўналтирилган бўлиб, унинг муайян қисmini хориж инвестицияси, 3 млрд. 820 млн. сўми эса банк кредитидир. Мазкур 12 та йирик лойиҳани амалга ошириш натижасида миндан зиёд янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган. Амалда эса, шу кунга қадар 352 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Жумладан, 37,4 млн. ақш долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 6 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида, 494 та янги иш ўрни яратилди.

МАҚСАД АНИҚ, МАНФААТЛАР МУШТАРАК

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Фуломжон Ибрагимов Франциянинг Ўзбекистондаги фавкулдда ва мухтор элчиси Виолет де Вильмор бошчилигидаги туризмни ривожлантириш бўйича йирик компания ва фирмалар вакиллари билан учрашди.

Халқаро ҳамкорлик



Ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтган маросимда ташкилотлар раҳбарлари ҳамда соҳа мутасаддилари иштирок этишди. Учрашув давомида томонлар Тошкент вилоятида сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш истиқболлари ва қатор лойиҳалар рўёби бўйича мулоқотга киришишди.



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

Эшитмадим, деманглар

Аввал хабар қилганимиздек, 2018 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда бўладиган сайлов тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишни таъминлаш, шунингдек, сайлов жараёнларини бошқаришда ахборот тизимини жорий этиш каби мақсадларда қабул қилингани билан ҳам аҳамиятлидир.

УЙИНГИЗГА ИШЧИ ГУРУҲ БОРАДИ

Айни пайтда вилоятимизда ҳам мазкур қарор ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида тизимли ишлар бошлаб юборилди. Авваламбор, мазкур ҳужжат юзасидан вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилиниб, кўриладиган чора-тадбирлар, ижро муддатлари, аниқ ва муайян "Йўл харита"лари белгилаб олинди.


Авваламбор, таъкидлаш керакки, сайлов мамлакатимиз фуқароларининг Бош Қомусимиз билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқидир. Демократик сайловларнинг олтин қондиаси бор: "Битта сайловчи – битта овоз". Бироқ, аввалги сайлов амалиётлари кўрсатганидек, жараёнларда битта сайловчининг бир неча рўйхатларга кириб қолиши, ўзи бошқа жойда-ю, рўйхатда бошқа мақилда туриши, бунинг оқибатида юқоридеги тамойилга ҳамиша ҳам риоя этилмаган ҳолатлар йўқ эмас.

Бу муаммонинг бир жиҳати, холос. Қолаверса, сайловчи-фуқароларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари тўғрисидаги ишончли бўлмаган ахборот, фуқароларни сайловчиларнинг тегишли рўйхатларига автоматик киритганда аниқлик касб этмайдиган, ўз навбатида, турли чалкашликлар туғдиради. Яна бир муаммо шундаки, кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрининг йўқлиги, шунингдек, бундай объектлар ягона реестридаги эскириб кетган, бир идорадаги маълумот билан иккинчиси солиштирилмаган ҳолатнинг мавжудлиги – сайловчи учун ҳам, комиссия аъзолари учун ҳам ноқулайлик туғдириб келгани бор гап.

Президентимиз томонидан имзоланган қарор – сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини жорий қилишга йўналтирилган сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

Давоми 3-бетда ➡

Хабарингиз борми?



ЮКСАК ИМКОНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ

ЯНГИ ПАЛЛАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2018-2019 йилларда Тошкент вилоятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги махсус қарори қабул қилинди.

Мазкур муҳим ҳужжат билан 2018-2019 йилларда вилоятимизни комплекс ривожлантириш бўйича жуда катта кўламли чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастур доирасида жами
1 минг 9 та
лойиҳа амалга
оширилади.

Ушбу лойиҳаларни
амалга ошириш учун
8 трлн. 241
млрд. 879 млн.
сўм маблағ ўзлаштирилиши
назарда тутилган.

Дастурни амалга
ошириш орқали
19 минг 333
та янги иш ўрни
яратилади.

Дастурда **22 та** давлат боғчаларини
реконструкция қилиш, **17 та** хусусий
тиббиёт муассасалари қуриш,
шунингдек,
бир қатор мактабларни капитал
таъмирлаш, спорт иншоотлари
қуриш белгиланган.

Бундан ташқари, дастурга мувофиқ,
Чирчиқ давлат педагогика институтида
1 минг 500 ўринли
янги ўқув биноси ва
400 ўринли
талабалар ётоқхонаси
ҳам барпо этилади.

